

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРОВ ТОЖИ ОМОНОВИЧ

**АЛИШЕР НАВОИЙ ИНСОНПАРВАРЛИК ҚАРАШЛАРИНИНГ
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИ БИЛАН
УЙҒУНЛИГИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Норов Тожи Омонович

Алишер Навоий инсонпарварлик қарашларининг мустақил Ўзбекистон
ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан уйғунлиги.....3

Норов Тожи Омонович

Гармоничность гуманистических взглядов Алишера Навои с социально-
политической жизнью в независимом Узбекистане.....21

Norov Toji Omonovich

Harmony the humanistic views of Alisher Navai on the socio-political
lifestyles of independent Uzbekistan37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....41

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРОВ ТОЖИ ОМОНОВИЧ

АЛИШЕР НАВОИЙ ИНСОНПАРВАРЛИК ҚАРАШЛАРИНИНГ
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИ БИЛАН
УЙҒУНЛИГИ

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fal115 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:	Алиев Бекдавлат , фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Абилов Ўрол Мурадович , фалсафа фанлари доктори, профессор Нурматова Мукаррам Ахмедовна , фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4- уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават 511 хона.) Тел.:(99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4- уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.:(99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди
(2019 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси.)

И.Р. Хўжамуродов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

Ж.С. Раматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби в.б.,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Ж.С. Раматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги даврда жаҳондаги минтақалар, давлатлар, миллатлар, этник гуруҳлар, диний жамоалар каби ижтимоий бирликлар ўртасида кечаётган мураккаб ижтимоий жараёнлар кўп ҳолларда гуманитар инқирозларга олиб келмоқда. Бундай тангликлар, бир давлат ёки бир ижтимоий гуруҳ манфаатларини юқори қўйиш каби маънавий инқироз натижаси бўлиб, ижтимоий адолат ва демократиянинг асосий тамойили бўлган инсонпарварлик тамойили қўпол равишда бузилиб, глобал даражадаги муаммога айланиб бормоқда. Бу ҳол инсонпарварлик билан боғлиқ масалаларни янада кенгроқ ўрганиш ва тарғиб этишни талаб қилади. Шу ижтимоий зарурият инсонпарварлик мавзуси бўйича янада кўпроқ илмий тадқиқот ишлари олиб боришни талаб этади.

Жаҳонда кечаётган гуманитар инқирозлар, ижтимоий фалсафанинг асосий муаммоси инсон, унинг ижтимоий мақоми, жамиятда инсонлар ўртасидаги муносабатлар табиатининг мураккаблашуви фан олдига янги вазибаларни қўймоқда. Бу эса ижтимоий-фалсафа фани тарихида яратилган таълимотлар, мукамал ва айни вақтда, мураккаб ҳозирги замон ижтимоий-фалсафий назариялар тизимининг шаклланишига асос бўлди. Ушбу назариялар ҳозирги даврда фаолият олиб бораётган халқаро ва миллий ташкилотлар гуманистик фаолиятининг назарий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Лекин, янги давр ижтимоий тизимлари ва муносабатларидаги ўзгаришлар, талаблар масаланинг бошқа тарздаги ечимларини талаб этмоқда. Мамлакатимизда кечаётган ислохотлар, умуминсоний жараёнларнинг узвий қисми сифатида, давлатимиз ва халқимизнинг инсонпарварлик тамойилларига содиқлигини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг бош мақсади инсон манфаатлари, фаровонлиги ва камолотига қаратилганлиги унинг асосий хусусиятларидан биридир. Бунинг натижасида маънавият, миллий қадриятлар, миллий тарих, улуғ аجدодларимизнинг ўлмас меросларини янги талқинда ва услубда, холисона ўрганишга имконият пайдо бўлди. Жумладан, миллий маънавиятимизда юксак аҳамиятга эга бўлган улуғ мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби - Амир Низомиддин Алишер Навоий (1441-1501)нинг ҳаёти, фаолияти, ижоди, маънавий мероси, хусусан, унинг ижтимоий-фалсафий қарашларини ижтимоий фанлар нуқтаи-назаридан янгича, объектив, илмий таҳлил қилиш имконияти, шу билан бирга, зарурияти туғилди. Алишер Навоий ижодида умумий яхлитликни таъминлаган асосий мавзу – инсонпарварликдир. Инсон, унинг табиати, шаклланиши, тарбияси ва камолоти, эрки, ҳуқуқи ва манфаатлари устувор мавзу сифатида қўйилган. Лекин, унинг инсонпарварлик ғоялари ижтимоий фалсафий фанлар соҳасида етарли даражада ўрганилмаган.

Ўзбекистон Президенти томонидан 2017 йилнинг юртимизда - «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши мисолида,

олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади, пировардида, инсонпарварлик тамойилларига асосланганлиги ва инсон манфаатларига қаратилганлигининг исботидир¹. Алишер Навоий фалсафий қарашларининг инсонпарварлик негизлари илмий тадқиқотлар доирасидан четда қолиб келмоқда. Бу эса мавзунинг долзарблиги ва заруриятини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йили 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4307-сон қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Жамиятни ислох этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий ғоя, маънавий қадриятлар, маънавий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Улуғ мутафаккирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳали ўзи тириклиги пайтидаёқ катта эътироф билан битила бошлаган. Жумладан, Султон Ҳусайн Бойқаро, Шарафиддин Али Яздий, Абдурахмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хондамир, Мирхонд Зайнуддин Восифий, Содикбек Содикий, Абдураззоқ Самарқандий, Фасих Ҳавофий, Муйиниддин Исфизорий, Низомиддин Шомий каби муаллифлар асарларини айтиш мумкин².

Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижодий мероси, дунёқараши ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар мавжуд. Лекин мутафаккирнинг инсонпарварликка доир қарашлари илмий жиҳатдан етарли тадқиқ қилинмаган.

Шўролар давридаги илмий тадқиқотларда Навоий асарлари, кўпинча, бир томонлама, яъни ўша давр мафкурасига мос тарзда ўрганилган ва талқин этилган. Жумладан, унинг инсонпарварлик ғоялари баён қилинган асарлари шўро тузуми даври воқелиги мафкурасига зид бўлганлиги учун қисқартирилиб, ўзгартириб чоп этилган, ҳатто, уларни чоп этиш мутлақо

¹Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови /Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. 1 жилд. – Б.100-130.

²Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

тақиқланган.

Таъкидлаш керакки, Алишер Навоий ижодий мероси бўйича амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг аксарияти адабиёт, адабиёт тарихи, тил, матншунослик, манбашунослик, педагогика ва бошқа ихтисосликлар бўйича олиб борилган. Навоий ҳаёти ва ижоди, у ҳақида ёзилган юқоридаги тарихий кийматдаги асарларни кейинчалик йирик навоийшунос олимлар тадқиқ этишди. Бундан ташқари, XX асрда бир қатор олимлар Навоий ижодини ўрганиш жараёнида, унинг даври ижтимоий-сиёсий ҳаёти, унда Навоийнинг ўрни ҳақида ҳам илмий-тадқиқотлар олиб борганлар. Булардан: В. Абдуллаев, А. Абдуқодиров, С. Айний, Ҳ. Алиқулов, Т. Аҳмедов, В.В.Бартольд, Е.Э. Бертельс, В. Зоҳидов, С. Каримов, Н. Комилов, Н. Маллаев, М. Муҳиддинов, И. Мўминов, М.Т. Ойбек, С. Олимов, М. Орипов, Э. Рустамов, А.А. Семёнов, Ҳ. Сулаймонов, И. Султонов, М. Хайруллаев, О. Эргашев, Б. Эралиев, С. Эркинов, П. Шамсиев, Ш. Шомухамедов, А. Қаямов, М. Қўшжонов, С. Ғаниева, А. Ҳайитметов, И. Ҳаққулов ва бошқаларнинг тадқиқотларини келтириш мумкин³.

Навоийнинг инсонпарварлик ғояларининг узвий қисми бўлган ҳуқуқий масалалар Ҳ. Бобоевнинг номзодлик диссертациясида тадқиқ қилинган.

Мустақиллик йилларида Алишер Навоий меросини холис ўрганиш учун кенг имконият пайдо бўлди. Мутафаккир ижоди навоийшунослар томонидан ўрганилиб, шоирнинг ўзи ва асарлари ҳақида қатор асарлар яратилди. Хусусан, Ҳ.Н.Ҳамраева, Ф.С.Низамов, Н.П.Бозорова, А.С.Эркинов, Р.У.Рўзмонова, Ҳ.А.Жўраев каби тадқиқотчилар, янгича нисбатан объектив тадқиқ этишган.

Хусусан, У.Сатимов Навоий унинг ижодини Ғарбий Европа илмий мактабларида ўрганилиш хусусиятларини ёритган. Ш.Сирожиддиновнинг Навоий ижодий фаолияти ҳақидаги тадқиқоти мутафаккир ҳақидаги бирламчи, ишончли манбаларга асосланганлиги ва чуқур таҳлил қилинганлиги билан ажралиб туради.

Қ.О.Эргашевнинг тадқиқотларида мутафаккирнинг темурийлар салтанатида тутган ўрни, мақоми, Хусайн Бойқаро ва унинг фарзандлари сиёсий фаолияти билан боғлиқ ёзишмалари унинг «Муншаот» асари мисолида зарур маълумотлар келтирилган. Б. Алиев ва Т. Хошимовларнинг монографиясида Навоийнинг инсонпарварлик ғояларига катта баҳо берилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режаси «Фуқаролик жамиятининг маънавий – ғоявий асослари ва давлатни социал-иқтисодий қайта қуриш шароитида фалсафий, тарихий, ҳуқуқий, диний ва бадиий қадриятлар таҳлили» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Алишер Навоий инсонпарварлик ғояларининг

³ Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланган адабиётлар рўйхатида” келтирилган.

фалсафий қарашлар тизимидаги ўрни, уларнинг мустақил давлатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан уйғунлигини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Алишер Навоий асарларидаги инсонпарварлик ғояларининг ижтимоий фалсафий назариялар тизимида тутган ўрни ва хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш;

Алишер Навоий инсонпарварлик ғояларининг БМТ низоми, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» каби халқаро ҳужжатларда ҳамда миллий қонунчилигимиздаги гуманистик тамойиллар билан уйғунлигини асослаш;

Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатида инсонпарварликнинг устувор масала этиб белгиланлиги мутафаккир инсонпарварлик ғояларининг изчил амалий давоми эканлигини очиқ бериш;

маънавий кадриятлар, хусусан, инсон ва инсонпарварлик масалаларининг Навоий фалсафасидаги диний ва дунёвий асосларнинг замонавий ҳолати билан уйғунлигини асослаш;

Алишер Навоий инсонпарварлик ғояларининг Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маданий, маънавий-маърифий кадриятлар, ислохотлар ва ўзгаришлар билан уйғунлигини қиёсий таҳлил қилиш асосида илмий хулосалар, амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Алишер Навоийнинг адабий-бадиий, ижтимоий-фалсафий мероси, ижтимоий-сиёсий фаолияти, ибратли ҳаёти билан боғлиқ манбалар.

Тадқиқот предмети Алишер Навоий инсонпарварлик ғояларини ташкил этган ижтимоий-фалсафий мероси ва уларнинг тадқиқи билан боғлиқ ҳамда замонавий Ўзбекистон ижтимоий ҳаётини ёритувчи илмий манбалар.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг ретроспектив ва қиёсий таҳлил, фаолият маҳсулини ўрганиш, тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, фалсафий-қиёсий таҳлил, назария ва амалиёт уйғунлиги каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоийнинг инсонпарварлик қарашларидаги хусусиятлар унинг ўлмас мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти мисолида, Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг гуманистик қарашлари билан қиёсий таҳлили асосида очиқ берилган;

Алишер Навоий гуманистик фалсафасининг дунёвий ва илоҳий негизлари туркумлаштирилган ва тизимлаштирилган;

Алишер Навоий инсонпарварлик ғояларининг замонавий ижтимоий-фалсафий таълимотлар, ижтимоий жараёнлар ва уларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан уйғунлиги очиқ берилган;

Алишер Навоий гуманистик қарашларининг давлат ва жамият бошқаруви билан боғлиқ ижтимоий жараёнларда амалиётга жорий қилинаётганлиги ва янада кенг қўлланиши зарурияти ҳолатлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат: Ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида Алишер Навоий инсонпарварлик ғояларининг миллий давлатчилик ва умуминсоний демократик кадриятлар тизимидаги аҳамиятини таълим муассасаларида, маънавий-маърифий, диний-маънавий тарбия тадбирларида оммавий чуқур ўрганиш бўйича тавсиялар берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан фалсафа, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, социология, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, маънавият, диншунослик, ижтимоий психология дарсларида ҳамда ижтимоий-сиёсий тарғибот бўйича махсус курсларда кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари бўйича чоп этилган монография, республика ва халқаро миқёсда илмий-назарий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида, ОАК рўйхатидаги махсус журналларда ҳамда хорижий журналларда чоп этилган мақолалар, уларда келтирилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда келтирилган илмий хулосаларидан ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, фалсафа, ижтимоий фалсафа, фалсафа тарихи, социология, ахлоқшунослик, диншунослик, маънавият, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, социал психология, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси каби фанларда ва махсус курсларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларидан ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар, маърузалар матни, рисоалар тайёрлашда фойдаланилса, уларни мазмунан бойитади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аҳолининг ёши, эътиқоди, ижтимоий ва миллий мансублигидан қатъи назар турли гуруҳ ва қатламлар ўртасида, давлат ва жамоат ташкилотларида, маҳаллаларда, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларида, диний муассасаларнинг маданий-маърифий тарғибот тадбирларида кенг қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алишер Навоий инсонпарварлик қарашларининг мустақил Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан уйғунлиги бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Навоийнинг инсонпарварлик қарашларидаги хусусиятлар унинг ўлмас мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти мисолида, Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг гуманистик қарашлари билан қиёсий-таҳлилий хулосалардан “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”, “Фуқаролик жамияти” каби фанларининг шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, фармонлари ва қарорлари асосида Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий ҳаёти билан боғлиқ долзарб масалалар бўйича ўқитиладиган махсус курсларда, уларни ўқитиш бўйича ишлаб чиқилган ўқув-услубий қўлланмада, ўқув-услубий мажмуалар

ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 15 майдаги 89-03-1897-сон маълумотномаси). Натижада демократия ва ижтимоий-сиёсий қарашлар тарихи ва унда инсонпарварлик ғояларининг шарқона талқини бўлимини мазмунан тўлдириш имконини берган;

Навоий инсонпарварлик ғояларининг дунёвий ва илоҳий негизи, мукамал сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий-фалсафий қарашлар тизими мазмуни ва хулосаларидан Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси фаолиятида, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармонидаги вазифаларни бажариш доирасидаги маънавий-маърифий, тарбиявий тадбирлар дастурининг “Миллатлараро тотувлик” ва “Диний бағрикенглик” мавзуларидаги материалларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси Марказий кенгашининг 2018 йил 24 майдаги 04-06/146-01-сон маълумотномаси). Натижада ташкилот маънавий-маърифий фаолияти мазмунан бойитилган ҳамда ғоявий таъсирчанлиги оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари 1 та илмий монография, 36 та илмий мақола ва тезисдан иборат бўлиб, улардан 3 таси халқаро конференция, 13 таси ОАК рўйхатидаги журналларда, 17 таси республика конференцияларида 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби - кириш, 2 та параграфлардан иборат 3 та боб, боблар охирида бобга доир хулосалар, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг ўрганилиш даражаси, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг предмети, мақсад ва вазифаси, услуги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, ишнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича бошқа илмий тадқиқот ишларидаги талаблар доирасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижтимоий фаолияти ва инсонпарварлик ғояларининг фалсафий-қиёсий таҳлили**» номли биринчи бобида, Навоий туғилиб вояга етган ижтимоий-маданий муҳит, тарихий вазият ва мутафаккир ижтимоий-фалсафий қарашлари тизимида

инсонпарварлик ғояларининг хусусиятлари, Шарқ ва Ғарб фалсафасида нуфузли ўринга эга бўлган йирик файласуфларнинг гуманистик қарашлари билан қиёсий таҳлил қилинган.

Бобнинг «Алишер Навоий яшаган ижтимоий-маданий муҳит ва унинг ижтимоий-фалсафий қарашлари шаклланишига таъсири» деб номланган биринчи фаслида, Навоийнинг ижтимоий келиб чиқиши, аждодларининг темурийлар салтанатидаги нуфузи, унинг болалиги, таълим-тарбияси, маънавий олами, ижоди, ижтимоий-сиёсий фаолияти, султон Ҳусайн Бойқаро салтанатида турли давлат лавозимларидаги фаолияти, сиёсий нуфузи, салтанатдаги нуфузини белгиловчи даража ва унвонлари, «амир», «амири кабир», «мутақаррибан ҳазрати султона» «низомиддин» каби юксак даража ва нуфуз, айниқса, «Хамса» ёзиб битказилганлиги муносабати билан султон Ҳусайн Бойқаро уни ўзининг пири деб эълон қилиши ва бошқа маълумотлар ишончли тарихий манбаларга таянган ҳолда баён қилинган ва муаллиф ўз фикрларини илмий хулоса тарзида билдирган.

Шунингдек, ушбу фаслда мутафаккирнинг ўзи ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шоир ўзи ёзган биографик маълумотлари - «Бадоеъ ул-бидоя»га асосланиб, «отадин етти пуштға дегунча шу дудмон остоннинг бойири бандаси, хонаводаси ва хоназодаси» эканлигини, яъни ота-боболари етти пуштигача темурийлар салтанатига содиқ ва узоқ хизмат қилганлиги, шу туфайли улар темурийларнинг яқин қадрдони, «ўзининг» одами бўлиб кетганлиги, Навоийнинг ота томондан бобоси темурий шоҳзода Умаршайх мирзо билан кўкалдош, яъни бир онани эмиб катта бўлишган болалар бўлганлиги, шу яқинлик ва ишонч асосида, Навоийнинг бобоси Бойқаро мирзо (Ҳусайн Бойқаронинг бобоси) даврида - Қандахор ҳокими, отаси - Сабзовор ҳокими, укаси Дарвеш Алибек - Балх ҳокими бўлганлиги, у шоир вафотидан кейин истеъфога чиққанлиги, 1511 йилда Бобур хизматига ўтганлиги хусусидаги маълумотлар асосида аждодлари ва ўзининг темурийлар салтанатидаги хизматлари, темурийлар томонидан мутафаккирнинг аждодларига, ўзининг фаолияти ва ижодига катта эътибор, ҳурмат ва рағбат бўлганлиги асослаб берилган. Хусусан, темурий подшоҳ ва буюк шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоийни юксак баҳолаб, «Бобурнома»да: «Алишербек – беги эмас эди, балки мусоҳиби (подшога суҳбатдош, улфат) эрди» деб, баҳолаганлиги мисолида ёритилган. Навоийнинг подшоҳларнинг суҳбатдоши ва маслаҳатгуйлиги мақоми бўлиб ўтган кўплаб тарихий воқеалар, айниқса, султон Ҳусайн Бойқаро, унинг фарзандлари, бошқа темурий шаҳзодалар билан олиб борган ёзишмаларидан ташкил топган, мутафаккир ўзи томонидан тартиб берилган «Муншаот» асари мисолида кўрсатиб берилган.

Мирхонднинг «Равзат ус-сафо»си ва бошқа тарихий маълумотлар асосида, Ҳусайн Бойқаро томонидан Алишер Навоий шахсига муносабат, ижтимоий-сиёсий фаолияти, ижодий салоҳияти юксак баҳоланганлиги исботланган. Масалан, Ҳусайн Бойқаро Навоий ҳақида ёзган манбаларда, ўзаро мулоқотда, мактубий алоқаларда улар ўртасидаги муносабатлар жуда

юксак ҳурмат ва маънавиятга асосланганлиги очиб берилган. Хусусан, Хусайн Бойқаро Навоий шахсини улуғлаб, «Амир Алишер - ҳидоят эгаси, шараф ва ҳурматнинг қайтиш жойи, дину-давлат арбобларининг сараси, мулку-миллат эгаларининг етакчиси, хайру-эҳсонларни таъсис этувчи, хайру-эҳсон муассасаларига равнақ берувчи, салтанат устуни, подшоҳларни кўлидан етакловчи, хоқон давлатининг умиди, султон ҳазратларининг яқин дўсти, ҳақиқат ва дин низоми» деб, мурожаат қилганлиги далиллар билан исботланган. Шунингдек, мутафаккирни у ҳали тириклик пайтидаёқ, унинг ижодий ва ижтимоий фаолиятдаги нуфузини тан олган устозлари, ўша даврнинг таниқли ижодкорлари, тарихчилари, шогирдлари томонидан ёзиб қолдирилган маълумотлар асосида ўз давридаги буюк шахс эканлигини исботловчи манбалар асосида чуқур илмий таҳлил қилинган ва улардан муносиб илмий хулосалар чиқарилган.

Мазкур бобнинг «Алишер Навоий инсонпарварлик ғояларининг Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари гуманистик қарашлари билан қиёсий таҳлили» деб номланган иккинчи фаслида, Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари дунё фалсафий тафаккури тарихида катта нуфузга эга бўлган мутафаккирларнинг гуманистик ғоялари билан муқояса қилиниб, уларнинг қарашларидаги умумий ва хусусий жиҳатлари таҳлил қилиниб, илмий хулосалар қилинган. Ваҳоланки, улуғ файласуфларнинг назарияларида инсонпарварлик муаммоларида умумий муштараклик бўлгани ҳолда, муаммонинг ечими билан боғлиқ услублар фарқ қилади. Муаммонинг ана шу жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинган.

Хусусан, Қадимги Хитой мутафаккири Конфуций, қадимги юнон мумтоз файласуфлари: Сукрот, Афлотун, Арасту, мусулмон Шарқи мутафаккирларидан: ал-Фаробий, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Низомий Ганжавий, Низомулмулк, А. Дониш, Ғарбий Европанинг уйғониш даври ва ундан кейинги янгича фалсафий тафаккурида катта ҳисса қўшган йирик файласуфлари Н. Макиавелли, Ж. Боден, Т. Гоббс, Ш.Л. Монтескье, С. Пуфендроф, Г. Спенсер, Ж.Ж. Руссо, Ж. Локк, Э. Берк, Т. Мор, Б. Спиноза, Ф. Гегель, И. Кант, А. Смит, Т.Пейн каби мутафаккирларнинг гуманистик назариялари билан Навоийнинг инсонпарварлик назариялари қиёсий таҳлил қилиниб, уларнинг умумий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятларига илмий-назарий ва амалий жиҳатдан илмий хулосалар қилинган.

Ушбу фаслда, улуғ мутафаккир, ўзигача бўлган даврдаги Қадимги Хитой фалсафаси, Қадимги Юнон мумтоз фалсафаси ҳамда мусулмон Шарқи фалсафаси намояндалари асарларини чуқур ўрганганлиги ва уларнинг асарларидаги фалсафий ғояларга ўз асарларида юксак баҳо берганлиги айтиб ўтилган. Унга мисол сифатида Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Тарихи мулуки ажам» «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарларида ўзигача маълум ва машхур бўлган йирик файласуфлар, ҳукмдорлар, пайғамбарлар, улуғ авлиёлар тарихий меросини, шу билан бирга, ўз даврида у билан ҳамсуҳбат бўлган йирик фалсафий тафаккур дарғалари асарларини кунт билан ўрганган ва уларнинг асосий мазмуни хусусида ўз фикрларини ёзиб қолдирганлиги

айтиб ўтилган. «Тарихи анбиё ва ҳукамо»да машҳур Юнон файласуфларининг асосий ғояларини келтириб ўтади.

Диссертациянинг **«Навоий инсонпарварлик ғояларининг хусусиятлари ва ижтимоий жараёнлар билан боғлиқлиги»** деб номланган иккинчи бобида Навоий фалсафасида инсон, инсоннинг табиати, руҳий олами, инсон табиатидаги фазилат ва иллатлар, инсон хусусидаги дунёвий ва илоҳий талқинлар таҳлил қилинган. Боб мавзунинг асосий мазмунини очган. Мазкур бобнинг «Мутафаккир фалсафасидаги инсон ва инсонпарварлик ғояларининг ижтимоий ҳаёт билан уйғунлиги» деб номланган биринчи фаслида инсон - табиат гултожи, оламдаги мавжудотлар орасида Оллоҳ томонидан яратилган, онгу тафаккури билан ажралиб турадиган олий мавжудот эканлиги мутафаккир асарларидаги мазмун илмий-фалсафий мушоҳада қилиниб, илмий хулосалар чиқарилган.

Бу фаслда инсоннинг табиатдаги ўрни ва ижтимоий табиати қуйидагича таҳлил қилинган: мутафаккир инсонни дунёдаги барча жонзотлар ичидаги энг комили, Оллоҳ-таолонинг оламдаги, табиатдаги яширин сирларини ҳам ўз ақлу заковати, тафаккури, зехни, барча нозиклиги билан тушуниб етувчи бир маърифатли мавжудот сифатида таърифлайди ва тавсифлайди. Инсонни «Каррамано», яъни мукаррам ва энг гўзал суратли қилиб яратилганлигини алоҳида таъкидлайди

Мутафаккир ижодида марказий ўринда инсон, унинг қадр-қиммати, табиатдаги ўрни, ижтимоий мақоми, эрки, манфаати олий кадрият сифатида эътироф этилади. Унинг «Хамса» таркибидаги дostonларида ҳам, бошқа асарларида ҳам инсон мавзусига алоҳида эътибор қаратилган.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, Навоий ижодий меросининг бутун мазмуни инсон ва инсонпарварлик бўлгани ҳолда унинг «Хайрат ул-аброр» фалсафий достонида инсон билан боғлиқ кенг мулоҳаза юритилган. Хусусан дostonнинг уч хайрат ва йигирма мақолатида инсон масаласи бевосита таҳлил ва тавсиф қилинади. Кейинги бобларда инсонга хос бир қанча яхши фазилатлар ва ёмон иллатлар қийслаш санъати орқали баҳоланади.

Навоий инсони улуғлаш, шарифлигини эътироф этиш билан бирга унга холисона баҳо бериб:

Бордир инсон зодида онча шараф, / Лек, ямон ахлоқин этса бартараф, дейди.

«Хайрат ул-аброр»нинг асосий мазмуни инсон мавзуси экан, Навоий инсоннинг барча яхши хислатлари ва ёмон иллатларини таърифлаб, уларнинг оқибатларидан сабоқ беради. Хусусан, хайру-эхсон ва бахиллик, адаблилик ва тарбиясизлик, ҳаё ва беҳаёлик, қаноат ва таъмагирлик, вафо ва беоқибатлилик, ростлик ва ёлғончилик, тўғрилиқ ва гумроҳлик, одиллик ва золимлик каби бир-бирига зид жиҳатларни муқояса қилиб, таҳлил қилди. Бундай инсоний сифатларга «Хайрат ул-аброр»да алоҳида фасллар ажратилган. Асарнинг бир фаслида ҳукмдорларга ва халққа қарата - «одамзод бор экан, олам бор экан, олам ичида одамзод яшар экан, адолат билан олам юзини обод қил, яхши хулқ билан дунёдаги одамларни шод қил», деган

ҳикматлари мисолида инсонпарварлик замини очиб берилган.

Ушбу бобда, сахийлик ва бахилликни зиддига қиёслаб, саховатга раҳмат, бахилликка залолат, мурувватдан кўнгил ҳаловати, бахиллик ва зиқналикка завол, албатта, муқаррарлигини айтади. Бу фаслда мутафаккир саховатда Шарқ халқлари ижодидаги қаҳрамон Ҳотам Тойни, бахилликда эса Қорунни қиёслайди. Ўз ўрнида саховатда ҳам ҳаддини билиш лозимлиги хусусида, «Оллоҳ энг, ичинг, лекин исроф қилманглар» деган муқаддас ҳадисни асос қилади. Саховатли кишилар ўз яхши хулқи, фойдали ва савобли амаллари билан Хизр каби ўлмайди. Лекин, бахиллар худди садаф дурни бахиллик қилиб ютганидан, дурни олиш учун унинг кўксини ёрадилар», - деган ажойиб ташбеҳни ишлатган.

Адаблилик ва беадаблик ҳақида фикр юритиб, адаблилик инсон камолотининг белгиси бўлса, адабсизлик заволоти дейди. У ташбеҳ йўли билан «яшин қаттиқ гулдирагани учун у ернинг қаърига кириб кетади, каклик қаттиқ овозда сайрагани учун овчига ўлжа бўлади, бола ҳали кичкиналигида ва билмаганлиги туфайли илоннинг устидаги нақшига маҳлиё бўлиб уни ушлаб олади, лекин илоннинг усти чиройли нақшли бўлгани билан у газанда ўз захри билан болани чақиб ўлдириб кўядику», дейди.

Қаноат ва таъмағирлик ҳақидаги фаслда Шарқ адабиётидаги қаноат тимсоли бўлган Қонё ўз қаноатлилиги билан подшоҳ бўлганлиги, тамағирлик тимсоли бўлган Томё эса шарманда ва хор-зор бўлганлиги ҳикояси келтирилади.

Навоий ишқ ҳақида гапириб, инсон ҳаётининг мазмуни ишқ эканлигини тавсифлайди. У, агар инсоннинг кўнглида ишқ туйғуси йўқ экан унинг яшашидан маъни йўқ, бундай инсон бахтсиз инсон, дейди.

Ҳаё ҳақида гапириб, ҳаёси ва тарбияси туфайли Нуширавон одил олам шоҳи бўлди, дейди. Бу орқали инсоннинг тақдири кўп жиҳатдан ҳаёси ва ҳаёсизлигига боғлиқлигини исботлайди.

Ростлик ва эгриликни қиёслар экан, «Рости-расти - тўғрилиқ халослиқдир», деган ҳадисни келтиради.

Фақат инсониятга хос илоҳий мўъжиза - сўзнинг қудратини юксак баҳолайди, айниқса, меҳр билан айтилган сўзнинг сеҳри ҳақида ўзининг халқимиз тилида неча асрлардан бери Навоийдан бизга мерос бўлиб келаётган бебаҳо ҳикматларини битади: Сўз билан кофир мусулмон бўлур, / Сўз билан ҳайвон деган инсон бўлур. Нафъинг агар халққа бешак дурур, / Билки, бу нафъ ўзингга кўпрак эрур. Аксинча, қаҳр билан айтилган сўз ёки қилинган муносабат тирикни ўлдириши мумкинлигинини уқтиради.

Мутафаккир инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган, унга Аллоҳ инъом этган хислатлардан унинг қалби ва кўнгли эканлигини таърифлар экан, аслида оламнинг бутун ганжи айнан инсоннинг кўнглида, дейди. Оллоҳ инсонга кўнгил, қалби учун бутун коинотнинг соҳиби сифатида эътироф қилади. Мутафаккир инсонга кўнгилнинг эгаси сифатида «хожа», деб юксак таъриф беради. Навоий, «Қаъба бутун дунёнинг қибласидир, кўнгил Қаъбаси олдида эса унинг ҳеч қандай қиммати йўқ. Чунки, у Қаъба

одамларнинг оддий сажда қиладиган жойи, бунда эса (кўнгилда) Яратганнинг жилваси зоҳир бўлиб туради. Зеро, ана шу кўнгил инсонни энг олий мартабага ҳам, энг тубанликка ҳам олиб боради», дейди. Навоий инсонлар ўртасидаги муносабатларда самимийлик, оқибат, вафо, ишонч йўқлигидан зорланади. Навоийнинг одамлар ўртасида муносабатлар ўта сохта, қилинган бирор яхшиликка яхшилик қайтиши ўрнига, ўнлаб ёмонлик қайтиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари кўп ўринларда учрайди. Хусусан, унинг «Меҳрибоне топмадим», «Кимга қилдим бир вафоқим, юз жафосин кўрмадим», «Дўстлар, аҳли замонда меҳр умиди тутмангиз», «Қон ютуб умри жаҳон аҳлида бир ёр истадим» каби кўплаб ғазалларида ҳам айнан оқибатсизликдан нолиш кайфияти устувор. Шунингдек, мутафаккир, инсон кўнгли шундай нозик ва инжиқки, бир инсоннинг кўнгли истаган кишини бошқаси истамайди, лекин у истаган одам уни ўзини суҳбатидан баҳраманд этиб қондирмайди, дунё шундай оқибатсиз, деб нолийди мутафаккир. «Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас», деб бошланган ғазали бунга ёрқин мисолдир.

«Фарҳод ва Ширин»да инсон ҳамма ҳаракатларини ўз онги ва тафаккури билан ва уни фақат яхши ишларга йўналтирса, у ўз шарифлигини сақлашини айтади:

Ки ҳар ишники қилди одамизод, / Тафаккур бирла билди одамизод.

Диссертациянинг бу бобида, Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарининг «Фақру фано водийсининг сўзи» фаслида коинотдаги барча нарсалар ва жонзотлардан энг улуғи инсон бўлиб, унинг камолоти олдида ақл хайрон қолади. Лекин инсон камолотга етишгунча жуда кўп азоб-уқубат, захмат чекишини таъкидлайди. Қисқа умр давомида одамлар кибру ҳавога, амалмансаб, ўрин-мақом талашиб, умрнинг қандай ўтганлигини билмай қоладилар, дейди Навоий. Бу фалсафий асардан асосий хулоса, фано, яъни ўткинчи дунёда ҳам одам фарзанди турли ранжу-машаққат орқали комил инсонга айланади, деган теран ғоя илгари сурилган. Навоийнинг форс тилидаги асарларини Фоний тахаллуси остида ёзганлигида Ислом сўфизмининг ўткинчилик фалсафаси сингдирилган.

Хусусан, Навоийнинг инсон ўз айби ва гуноҳларини англаб, тавба йўлини тутса, агар унинг гуноҳлари тоғдек улкан бўлса ҳам, унинг гуноҳларини кечириш Оллоҳ учун ҳеч иш эмас. Зеро, одам, аввало, Оллоҳни танишдек орифликка эришиши лозим, деган ҳикматлари фалсафий таҳлил қилинган.

Навоий ижодидаги маънавият ва инсонпарварлик ғоялари хорижий олимларни ҳам қизиқтириб келган ва бу қизиқиш ошиб бормоқда. Улуғ шоирнинг таваллуди муносабати билан, канадалик олим Гарри Дикнинг «Маънавият боғининг боғбони» мақоласи ўзбек тилида чоп этилди. Бу олим ўзини Навоий ижодининг шайдоси сифатида, унинг «Лисон ут-тайр» асарини бутун бадий ва маънавий гўзаллигини инглиззабон ўқувчиларга етказиш мақсадида ушбу асарни инглиз тилига таржима қилди. У Навоийни «менинг шоирим», «маънавият боғининг боғбони», деб улуғлайди. Ғарбдаги

маънавиятнинг кескин пасайиши шароитида, Гарри Дикнинг таъбири билан айтганда, «боғни ҳар хил бегона ўтлардан тозалаш ва уни парвариш қилиш» ўта долзарб вазифа дейди. Бундай долзарб вазифани ҳал этишда Навоий ижодидаги юксак маънавият, теран инсонпарварлик меросидан фойдаланиш заруриятини уқтирганлиги мисолида ёритилган.

Бобнинг «Навоий инсонпарварлик ғояларининг ижтимоий-сиёсий асослари ва ижтимоий-сиёсий жарёнларга амалий таъсири» деб номланган иккинчи фаслида Навоий инсонпарварлик назарияларининг ижтимоий-сиёсий асослари таҳлил қилинган. Бу фаслда Навоий асарларида тараннум этилган гуманистик масалаларнинг сиёсий асоси, бошқача айтганда, жамиятда инсонлар ўртасида ижтимоий муносабатларнинг жуда мураккаб жараён эканлиги, жамият қанчалик мукамал бўлмасин у, албатта, бошқарилиши зарур эканлиги, бошқарувчи ва бошқарилувчилар бир-бирига муносиб бўлиши, адолатли жамиятга адолатли, маънавиятли, маърифатли, тарбияли подшоҳ раҳнамолигида эришилади каби назариялар устуворлиги талқин қилинган. Хусусан, Навоий наздида, жамиятни бошқариш уни камолот чўққисига олиб борадиган ишончли восита бу - сиёсий бошқарувнинг олий шакли бўлган давлат бўлиши лозим. Давлатнинг бошида, албатта, раҳнамо бўлиши кераклиги, ҳукмдор тарбияли, маърифатли, тажрибали, журъатли ва албатта адолатли бўлиши кераклиги уқтирилади. Раҳнамо Худо фазилатли қилиб яратган тенгсиз доно бўлишига қарамасдан, унинг ёнида доимо фозиллар, яъни донишманд олимлар унинг маслаҳатгўйи ва жиловдори бўлиши керак, дейди. Бу фаслда жамиятнинг сиёсий бошқаруви билан боғлиқ назарий ва амалий жиҳатлари хусусида мутафаккирнинг «Хамса» таркибидаги «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий», «Сабъаи сайёр», ва «Маҳбуб ул-қулуб» «Лисон ут-тайр», «Вақфия», шунингдек, мактубларидаги султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг фарзандларига панд-насихатлари битилган «Муншаот» каби бошқа фалсафий асарларида алоҳида фикрлар юритилган. Мазкур фаслда жамияти бошқарувида ва такомиллашувида жамият раҳнамоси ва давлат хизматида масъул кишиларнинг юксак маънавияти, тарбияси, эстетик сифатлари Навоий асарларида ўта моҳирона тавсифланганлигига тўхталиб ўтилиб, бу қарашлар ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнларда амалий жиҳатдан қўлланиб келинаётганлиги илмий изоҳлаб ўтилган.

Диссертациянинг «**Алишер Навоий инсонпарварлик ғояларининг ижтимоий-маънавий ва ҳуқуқий ислохотлар билан уйғунлиги**» деб номланган учинчи бобида Навоийнинг инсонпарварлик қарашларининг ҳуқуқий, маънавий ва диний асослари тадқиқ қилинган.

Бобнинг «Навоий инсонпарварлик қарашларининг ижтимоий-ҳуқуқий негизлари ва уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ислохотлардаги инъикоси» деб номланган биринчи фаслида ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мутафаккир яшаган давр шароитида ислом дини ва шаръий муносабатлар ва адолатнинг ҳуқуқий-маънавий манбаси сифатида эътироф этилган.

Шариат қоидалари, талаблари илоҳий эътиқод даражасидаги зарурият

